

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОКИРОВА СОҲИБА МУХТОРАЛИЕВНА

**ТИЛЛАР ТАДҚИҚИДА КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКА
ИЛМИЙ ПАРАДИГМАСИНИНГ ЎРНИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер тилшунослиги

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Зокирова Сохиба Мухторалиевна

Тиллар тадқиқида контрастив лингвистика

илмий парадигмасининг ўрни 3

Zokirova Sohiba Mukhtoraliyevna

The place of scientific paradigm of contrastive

linguistics in language investigation..... 23

Зокирова Сохиба Мухторалиевна

Место научной парадигмы контрастивной

лингвистики в исследовании языков 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОКИРОВА СОҲИБА МУХТОРАЛИЕВНА

**ТИЛЛАР ТАДҚИҚИДА КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКА
ИЛМий ПАРАДИГМАСИНИНГ ЎРНИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер тилшунослиги

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil222 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ҳакимов Муҳаммадхон Хўжахонович**
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Умархўжаев Мухтор Эшонхўжаевич**
филология фанлари доктори, профессор

Бердиалиев Абдували
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.М.Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

С.О.Солижонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

С.М.Мўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида компаративистика масалалари тил назариясининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда қиёсий, тарихий, чоғиштирма, типологик, ареал парадигмалар негизида контрастив лингвистика муаммоларини ажратиш устувор бўлмоқда. Контрастив лингвистикага хос функционал хусусиятларни аниқлаш, ҳар қандай тил структурасида зидлик шакллари илмий асослаш муҳим масалалар сирасига киради.

Дунё тилшунослигида контрастив лингвистика соҳасидаги ишлар дастлаб лингводидактик характерда бўлиб, мазкур тадқиқотлар марказида халқларнинг нутқий муомала маданияти масалалари турган бўлса, бугунги кунда соҳанинг назарий масалалари етакчилик қилмоқда. Контрастив лингвистика масалалари объектини мультилингвистик фанлар сирасига кирувчи типология, ареал, қиёсий-тарихий тилшунослик фанларидан фарқлаш эҳтиёжи кучаймоқда. Бу эса тилларнинг контрастив тадқиқида назарий қонуниятларни белгилаш, соҳанинг илмий парадигмасини шакллантириш заруратини келтириб чиқаради. Контрастив лингвистика учун айнан зидланиш, оппозитив каби таҳлил ва усулларнинг қўлланиши фанда ҳар хил қарашларга барҳам беради. Натижада тиллар тадқиқида контрастив лингвистика парадигмасини белгилашда янги илмий хулосалар чиқариш имкони юзага келади.

Ҳозирги пайтда мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маданий ислохотлар, Ўзбекистон Республикасининг фаол ташқи сиёсати, қўшни мамлакатлар билан ҳар тарафлама алоқаларнинг мустаҳкамланиши ўзбек тилининг бошқа тиллар билан ўзаро алоқалари ва муносабатини кенг қамровли бўлишига олиб келмоқда. Тилшуносликда тиллар тадқиқи қаратилган қиёсий-тарихий, чоғиштирма, типологик, ареал, контрастив каби соҳалар янги ривожланиш босқичига кўтарилди. Хусусан, тиллар тадқиқи йўналишида контрастив лингвистика соҳасининг юзага келиши мазкур фанда янги термин ва тушунчалар доираси кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Мамлакатимизда чет тилларни ўрганиш тизимига алоҳида эътибор берилаётганлиги мазкур йўналишда фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга туртки бўлмоқда. Бугун фанда «...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»¹дек долзарб вазифалар турибди. Фаннинг қатор соҳаларида қўлга киритилган илмий ва инновацион ютуқлар қиёсий тилшунослик, лингвокультурология, лингвистик таржимашунослик каби фан соҳаларининг такомиллашувида асосий омил ҳисобланади, контрастив лингвистикага оид тадқиқотлар эса соҳа муаммоларини назарий босқичга кўтариш учун хизмат қилади. Мазкур тадқиқот шу маънода тилларни контраст ҳолатда ўрганиш, тадқиқ этиш орқали дунё халқларининг фани, миллий тили, тарихи, маданияти, урф-

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси/prezident.uz/uz/lists/view/137).

одатлари, анъаналари, ҳаётий кадриятлари ҳақидаги билимларни бойитади, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 304-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соҳа масалаларини жаҳон тилшунослигида XX асрнинг 80-90-йилларида ўрганиш бошланган бўлса-да, XXI аср бошларига келиб ушбу соҳага қизиқиш янада кучайди.

Жаҳон тилшунослигида контрастив лингвистиканинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, Р.Ладос, Ш.Балли, Э.Косериу, К.Джеймс, В.Скаличка, Р.Дж. Ди Пьетро, Ч.А.Фергюсон, Г.Никкель² ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Контрастив лингвистиканинг назарий асослари Л.В.Шчерба, А.В.Федоров, В.Н.Ярцева, В.Г.Гак, У.Вайнрайх³ каби забардаст тилшунослар қарашлари асосида шаклланган. Ҳозирги кунда контрастив лингвистика муаммолари билан И.А.Стернин, В.Б.Кашкин, А.Л.Зеленецкий, З.Г.Гергиева,

² Lado R. *Linguistics across cultures: applied linguistics for language teachers*. – Ann Arbor: University of Michigan Press, 1957 – 141 p.; Балли Ш. *Общая лингвистика и вопросы французского языка*. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 416 с.; Косериу Э. *Контрастивная лингвистика и перевод: их соотношение // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV*. – М.: Прогресс, 1989. – С. 63-81.; Джеймс К. *Контрастивный анализ // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV*. – М.: Прогресс, 1989. – С. 205-306.; Скаличка В. *Типология и сопоставительная лингвистика // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV*. – М.: Прогресс, 1989. – С. 27-31.; Ди Пьетро Р.Дж. *Языковые структуры в контрасте // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV*. – М.: Прогресс, 1989. – С. 82-121.; Никкель Г. *Контрастивная лингвистика и обучение иностранному языку // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV*. – М.: Прогресс, 1989. – С. 350-366.

³ Шчерба Л.В. *Языковая система и речевая деятельность*. – М.: URSS, 2008. – 432 с.; Федоров А.В. *Основы общей теории перевода. 5-е изд.* – СПб.: Филологический факультет СПбГУ; М.: ФИЛОЛОГИЯ ТРИ, 2002. – 416 с.; Ярцева В.Н. *Контрастивная грамматика*. – М.: Наука, 1981. – 112 с.; Гак В.Г. *Сопоставительная лексикология. 2-е изд.* – М.: Либриком, 2010. – 264 с.; Вайнрайх У. *Одноязычие и многоязычие. Зарубежная лингвистика. Вып. III*. – М., 1999. – С. 7-43.

Л.К.Байрамова, С.Мурильо, И.Рожас-Лизана⁴ каби олимлар шуғулланмоқдалар.

Ўзбек тилшунослигида тилларни контрастив хусусиятларини ўрганиш Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан бошланади. У XI аср туркий тилининг ўғуз, қипчоқ, қарлуқ лаҳжаларини зидлик белгилари асосида тадқиқ қилади, Алишер Навоий ҳам ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида XV аср туркий ҳамда форсий тилларини ўзаро таққослаган. Шунингдек, Ж.Бўронов, Ў.Юсупов, М.Умархўжаев, Ғ.Ҳошимов, Т.Бушуй, А.Бердиалиев типология ҳамда чоғиштирма тилшунослик назариясини ўзларининг тадқиқотлари билан бойитганлар. Е.Д.Поливанов, А.Азизов, М.Маматов, М.Т.Зокиров, П.П.Нишонов,⁵ К.О.Сапарова, Ж.Ш.Джумабаева, Д.Джумановаларнинг тадқиқотларида⁵ ўзбек ва чет тилларининг умумий ва фарқли жиҳатларига оид қимматли маълумотлар баён қилинган. Бироқ бу ишларда контрастив лингвистика масалалари монографик планда ўрганилган эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Тил алоқалари ва ўзаро таъсир» мавзусидаги лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади контрастив лингвистиканинг назарий ва амалий масалаларининг тадрижий такомилени асослаш, тиллар тадқиқида

⁴Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. – М.: Восток-Запад, 2007. – 208 с.; Кашкин В.Б. Сопоставительная лингвистика (учебное пособие для вузов). – Воронеж, 2007. – 88 с.; Гергиева З.Г. О статусе контрастивной лингвистики // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2009 №6 (2). – С. 203-206.; Зеленецкий А.Л. Контрастивная лингвистика и типология // Вестник Воронежского государственного университета. Сер.: Лингвистика и межкультурная коммуникация, 2010, №1. – С. 27-31.; Байрамова Л.К. Введение в контрастивную лингвистику. – Казань: Изд-во Казанского университета, 2004. – 116 с.; Murillo S. Reformulation markers and polyphony: A contrastive English-spanish analysis. // Languages in Contrast, 2016, 16:1. Rojas-Lizana I. «A very big thank you to...» Letters of gratitude in local newspapers from Australia and Chile // Languages in Contrast, 2016, 16:1.

⁵Кошғарий М. Девону луғотит турк. 1-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016 – 388 б.; Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. Ўн олтинчи том. – Тошкент: Фан, 2000. – 336 б.; Бўронов Ж.Б. Типологическая категории и сравнительное изучение языков. Автореф. дисс... докт. филол. наук. – М., 1979. – 48 с.; Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики – Ташкент, 1980.; Умархўжаев М.Э. Проблемы типологии и вопросы фразиологии // «Теории перевода», «Сравнительная типология родного и изучаемого языков», «Интерпретация текста» на факультетов иностранных языков пед институтов. – Т., 1977. – С. 136-138.; Хошимов Г.М. Принципы и методика типологического сопоставление сложных предложений. – Андижан: Хаёт. 2016.; Бушуй Т., Рузикулов Ф. Краткий курс сравнительной типологии. Учебное пособия. – Ташкент: Tafakkur Bo'stoni, 2015. – 192 с.; Бердиалиев А., Хидиров Р. Ўзбек ва тожик лисоний алоқалари. – Душанбе, Ирфон, 2011. – 100 б.; Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Ташкент: Фан, 2007. – 182 с.; Азизов А.А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология – Ташкент: Ўқитувчи, 1983; Маматов М.Ш. Предикативные атрибуты в немецком и узбекском языках. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Л., 1976. – 22 с.; Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Филол. фанл. номз. ... диссертацияси – Тошкент, 2007. – 148 б.; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фанл. номз. диссертацияси. – Тошкент, 2009. – 152 б.; Сапарова К.О. Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков. Дисс. докт. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 397 с.; Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фанл. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 82 б.; Джуманова Д.Р. Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 88 б.

контрастив лингвистика илмий парадигмаси хусусиятларини ёритишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

контрастив лингвистика илмий парадигмасини шакллантириш, унинг тил назариясидаги ўрнини кўрсатиш;

контрастив лингвистика ва унга турдош бўлган соҳалар ўртасидаги фарқларни аниқлаш;

контрастив лингвистика тушунча ва тамойилларининг тил назарияси учун аҳамиятини кўрсатиш;

тил сатҳлари бирликларининг контрастив таҳлил мезонларига аниқлик киритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида икки ва ундан ортиқ тилларнинг ўзаро контраст белгиларини ўрганишга оид назарий масалалар танланган.

Тадқиқот предметини тилларнинг контраст ўрганилишида кузатилган категориал зидликлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, зидлаш, трансформацион, оппозитив, дифференциал-семантик, дистрибуцион-контрастив методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

контрастив лингвистика структурасида конгруэнтлик, эквивалентлик, лакунарлик, конвергенция, дивергенция, поливергенция ҳодисаларининг интралингвистик ва компаративистик табиати далилланган;

контрастив лингвистика парадигмасида фонетик-фонологик белгиларига кўра конгруэнт бўлган сўзлар ўз мазмунини сақлаши билан бирга семантик жиҳатдан ўзаро бир-бирига яқин бўлиши, тамоман янги маъно касб этиши, зид маънода бўлиши исботланган;

қисман эквивалентлик парадигмаси таркибида конвергенция ва дивергенция билан бир қаторда поливергенция ҳодисаси мавжудлиги аниқланган;

контрастив лингвистикада эквивалентлик даражаларидан бири сифатида лакунарлик ҳодисаси ажратилган ҳамда бу категориянинг уникалия назарияси асоси эканлиги асосланган;

фонетик, лексик-семантик, морфем-морфологик ва синтактик бирликларнинг зидланувчи контраст белгилари аниқланган;

тил бирликларининг контраст зидланиши оламнинг лингвистик манзарасининг ранг-баранглиги, турли тил эгаларининг миллий маданияти ҳамда дунёқараши натижаси бўлган лингвомаданий хусусиятларидан келиб чиқиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидигилардан иборат:

тиллар тадқиқида контрастив лингвистика илмий парадигмасининг ўрнини кўрсатиш орқали олинган илмий хулосалар тилнинг турли соҳалари учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, шунингдек, тилшунослик назарияси, типология, қиёсий тилшунослик, таржима назарияси каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

диссертациянинг тил назарияси, тилни система сифатида ўрганиш, тил бирликларининг контраст тадқиқи билан боғлиқ фанлар ривожига назарий аҳамияти кўрсатиб берилган;

диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар конгруэнт ва таржима луғатларини тайёрлаш ҳамда автоматик таржима муаммоларини ҳал қилишда назарий манбалардан бири бўлиши асосланган;

тадқиқот натижаларидан ономасиологик ва семасиологик йўналишда олиб борилган изланишларни, хусусан, моделлаштириш, универсалогия, лингвокультурология ва лингводидактикани бойитишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги масалага ёндашув, таҳлил усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг зидлаш, дифференциал-семантик, дистрибуцион-контрастив методлари билан асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослигининг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти тиллар тадқиқи орқали контрастив лингвистика илмий парадигмаси ўрнини белгилашдан иборат бўлиб, мазкур иш тилшунослик назарияси, умумий тилшунослик, типология, универсалиялар лингвистикаси, контакт лингвистика, шунингдек, тилни система сифатида ўрганиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни такомиллаштиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти контрастив лингвистика назарияси, контрастив таҳлил мезонларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида тил назарияси, ҳозирги ўзбек адабий тили, компьютер лингвистикаси каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар, луғатлар яратишда, автоматик таржима билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиллар тадқиқида контрастив лингвистика илмий парадигмасининг ўрнини тадқиқ этиш асосида:

контрастив лингвистикага оид конгруэнтлик ва эквивалентлик, эквивалентсиз лексика, лакунарлик ва лакунар бирлик сингари тушунчалар А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 89-03-2473-сон маълумотномаси). Натижада ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар ва уларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхаларида қўлланилган терминлар изоҳининг илмийлиги ҳамда мукамаллигига эришилган;

тадқиқотда қўлланилган акцент, билингвизм, грамматик маъно, интонация, изофа, миллатлараро алоқа тили, қариндош тиллар, сема сингари

тушунчалардан «Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар мухтасар луғати»да фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 89-03-3307-сон маълумотнома). Натижада луғатнинг ўзбек тилидаги қисми контрастив лингвистикага оид терминлар билан бойитилган, терминлар изоҳи мукаммаллашган;

хулосалар асосида «Ўзбек ва тожик тилларидаги қисман конгруэнт сўзлар луғати» яратилган. (Фарғона давлат университети кенгашининг 2017 йил 4-йиғилиши қарори) Натижада тожик тили йўналиши талабалари ва ўқувчиларининг ўзбек орфографияси ва орфоэпиясидаги хатолар олдини олишга эришилган;

тадқиқотнинг маданий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий алоқаларнинг тил материалларида намоён бўлиши хусусидаги хулосаларидан вилоят телерадиокомпаниясининг «Олтин ҳалқа» кўрсатуви, «Сўз сеҳри», «Армуғон» радиоэшиттиришлари сценарийларини тузишда фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 12-01/3-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 42 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, (12 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 155 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Контрастив лингвистиканинг тилшунослик фанлари парадигмасида тутган ўрни**» деб номланган биринчи бобида контрастив лингвистикага оид тадқиқотлар тарихи, контрастив лингвистиканинг турдош соҳалар билан муносабати, контрастив ва

чоғиштирма тилшуносликнинг ўзаро фарқловчи белгилари тадқиқига оид фикрлар билдирилган.

Қиёслаш, ўзаро муносабатни аниқлаш, чоғиштириш – бу биринчи навбатда инсон тафаккурининг хусусияти, билиш фаолиятининг универсал асосидир. Такқосламай туриб ҳеч нарсани, жумладан, тилни ҳам билиб бўлмайди⁶.

Контрастив лингвистика тил материалларини қиёслаш орқали тадқиқ этишга асосланган бўлиб, у алоҳида фан соҳаси сифатида шаклланаётган пайтда, албатта, унга турдош соҳалар бўлган қиёсий-тарихий тилшунослик, чоғиштирма тилшунослик, ареал лингвистика, типологик лингвистика, универсалиялар лингвистикаси, контакт лингвистикаси кабилар ҳақида тўхталиб ўтиш, уларнинг тадқиқот майдонини ажратиш уни мустақил соҳа сифатида кўрсатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида мавзунинг моҳиятини очиб беради. Мультилингвистик соҳа йўналишларини қуйидаги парадигмада кўришимиз мумкин:

Қиёслаш Тамойиллари		Тилшунослик йўналишлари						
		қиёсий-тарихий тилшунослик	типологик тилшунослик	чоғиштирма тилшунослик	контакт лингвистикаси	универсалиялар лингвистикаси	ареал лингвистика	контрастив лингвистика
Аспектига кўра		синхрон		*	*	*	*	*
		диахрон	*	*				
Ўзаро қиёсланувчи тиллар	генезисига кўра	кариндош	*	*		*	*	*
		нокариндош		*	*	*	*	*
	вазифасига кўра	адабий тил	*	*	*	*	*	*
		шевдалар				*		*
	тарқалиш худудига кўра	бир худудда	*	*	*	*	*	*
		турли худудда	*	*	*	*	*	*
микдорига кўра	чекланган			*	*		*	
	чекланмаган	*	*			*	*	
Мақсадига кўра		боботилни қайта тиклаш	*					
		тил типларини аниқлаш		*				
		тил таъсирини кўриб чиқиш				*		
		тил универсалияларини кашф қилиш					*	
		тил иттифоқларини ўрганиш						*
		тиллардаги ўхшаш жиҳатларни ўрганиш	*	*	*	*	*	*
		тиллардаги фарқли жиҳатларни ўрганиш			*			

Кўриниб турибдики, мазкур йўналишлар ўз мақсад ва вазифалари, тадқиқот материаллари нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу соҳалар тилларни таққослаб ўрганишнинг назарий асосларига таянса-да,

⁶Исабеков С.Е. О роли внутри и межъязыкового сопоставления в лингвистике / Сравнительно-сопоставительное изучение языков и интерференция. – Алма-Ата, 1989. – С. 43.

ҳар бир соҳа масалалари олдига қўйилган мақсадига кўра ўзаро фарқланади. Объект бир бўлгани ҳолда мақсад фарқли бўлганлиги сабабли уларнинг масалага ёндашуви, бунинг натижасида хулосалари ҳам турлича бўлади.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг объекти қариндош тилларнинг ўзаро мувофиқлигини аниқлаш ҳамда уларнинг замон ва макондаги эволюциясини тасвирлашдан иборатдир. Контрастив лингвистика тилларни асосан синхрон аспектда ўрганар экан, чоғиштирилаётган тилларнинг ўзаро генетик қариндошлиги принципиал аҳамиятга эга эмас, контрастив метод ҳар қандай тилларни контраст ҳолатда ўрганиш имконини беради. Одатда, контрастив тадқиқотда тилларнинг бири она тили, бошқаси чет тили мақомида бўлади.

XIX асрнинг биринчи ярмида қиёсий-тарихий тилшунослик доирасида тилларни таққослаш билан боғлиқ типология вужудга келди. Типологик тадқиқотлар лингвистик белгиларга таяниб дунё тилларининг умумий турларини белгилашда назарий характер касб этади.

XX аср тилшунослигида типологик тадқиқотлар асосида тилларни таққослаш билан боғлиқ универсалиялар лингвистикаси вужудга келди. Бу йўналиш тил универсалияларини аниқлайди. Тил универсалиялари (лотинча *universalis* – умумий, барчага баравар тааллуқли) барча тиллар ёки уларнинг аксариятига хос хусусиятлардир. Универсалиялар лингвистикаси назарий соҳа бўлиб, унда тилларнинг қариндош ёки қариндош эмаслигидан қатъи назар тил ҳодисаларига хос умумийликларни аниқлаш мақсадида изланишлар олиб борилади. Мазкур лингвистик йўналиш инсон тили табиати ва механизмини аниқлашга, яъни умумий тилшунослик масалаларини ечишга ҳисса қўшади.

Ареал лингвистика эса лингвистик ҳодисаларнинг муайян географик кенгликда тарқалишини кузатиб, тиллараро (диалектлараро) муносабатларни лингвогеографик методлар асосида ўрганади. Ареал лингвистиканинг асосий вазифаси тилларнинг ҳудудий бўлинишини аниқлаш ва изоглоссаларни тавсиф қилишдан иборат. Натижада диалектлар, тиллар ва ареал жамоалар (тил иттифоқлари) ўртасида ўзаро таъсир майдонлари (ареаллар) аниқланади.


Контакт лингвистика бугунги кунда Ер куррасининг турли минтақаларидаги мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар таъсирида мазкур минтақаларда содир бўлаётган тиллараро алоқалар, ўзгаришлар, уларнинг бир-бирига таъсири масалаларини ўрганиш билан шуғулланади.

Чоғиштирама тилшунослик эса ноқариндош тилларнинг ички тизимларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлайди. Одатда, чоғиштирилаётган тилларнинг ички тизимлари алоҳида-алоҳида ўрганилади (масалан, рус ва инглиз тилларида ҳаракат феъллари, ўзбек ва француз тилларида тўсиқсизлик муносабатлари, поляк ва форс тилларида кийим-кечак номлари ва ҳоказо), сўнг тадқиқот натижалари чоғиштирилади. Чоғиштирама тилшунослик доирасида у ёки бу интраструктурани ташкил қилувчи бирликлар мажмуи ва миқдоридаги умумий ва фарқли жиҳатлар аниқланади, ўрганилаётган тиллардаги микросистемалар систем тузилишининг ўзига хослиги белгиланади, чоғиштирилаётган тилларда тил

ички структуранинг маркази ва периферияси аниқланади. Ички тилшунослик тизимларининг марказида асосий ўринни луғавий структура эгаллайди. Тилнинг бу қатламида шакл ёки маънога асосланган тематик гуруҳлар мавжуд бўлади. Бунда етакчи семалар бўйича сўзлар парадигма, синонимик қатор, лексик-семантик ва антонимик гуруҳларга ажратилади. Интралингвистик тизимнинг периферияси ўз маъносига кўра марказдан энг узок бўлган бирликлар мажмуи саналади. Перифериядаги бирликлар контекстуал маънога эга бўлиши мумкин. Одатда периферия бошқа семантик майдонлар билан контактга киришиб тил тизимининг узлуксизлигини таъминлайди.

Контрастив лингвистика XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб компаративистик фанлар доирасида шаклланиб, асрнинг сўнгги чорагида эса алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқди. Қиёсий-тарихий, чоғиштира, ареал, типологик, универсалиялар, контакт лингвистикаси каби соҳаларда контрастив лингвистикадан фарқли ўлароқ, назарий характерга эга тадқиқотлар етакчилик қилишини алоҳида қайд қилиш лозим. Контрастив лингвистика ўзига турдош бўлган бу соҳалар ичида алоҳида ўрин тутади. Тил фактлари таҳлилида у ўзининг муайян методлари ва аниқ мундарижасига эга. Контрастив лингвистика назарий ҳамда амалий жиҳатлари билан характерланади, амалиётда сўзлашувчилар ўртасидаги алоқа шаклларини намоён бўлишида муҳим аҳамият касб этади. А.А.Залевская бу алоқанинг қатор масалалари хусусида фикр юритган⁷. У контрастив лингвистика тил материалининг таҳлили орқали таққосланаётган семантик ҳодисалар табиати ҳақидаги илмий қарашларни янгича талқин қилишга имкон беради деб ҳисоблайди. Шунингдек, контрастив луғавий структура ва семантик типология универсалиялар лингвистикаси учун илмий хулосалар тақдим қилади. Қариндош, узок қариндош, ноқариндош тилларнинг семантик тизимларининг контрастив тасвири мазкур системалар таркибий қисмларини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳоланишини амалга оширишга имкон беради. Дарҳақиқат, бизнингча ҳам, тилларнинг контрастив тадқиқи илмий изланишларга янгича ёндашувни олиб кириши мумкин.

Контрастив таҳлил натижасида олинган илмий хулосалар кўплаб соҳалар ривожини учун татбиқ этилиши мумкин:



Чизмада берилган L1 (first language) – қиёсланаётган биринчи тил, L2 (second language) – қиёсланаётган иккинчи тил, CA(contrastive analysis) – контрастив таҳлил маъноларини англатади.


⁷ Залевская А.А. Вопросы теории и практики исследований // Этнокультурная специфика языкового сознания. – М., 1996. – С.27.

Бугунги кунда энг фаол қўлланаётган «контрастив лингвистика» термини билан бир қаторда «чоғиштира тилшунослик» ёки «конфронтатив лингвистика» атамалари ушбу тушунчага муқобил вариант сифатида қўлланилмоқда⁸. Ушбу ҳолат соҳа доирасидаги илмий қарашларнинг ривожланиш босқичида эканлиги, фикрлар ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги натижасида юзага келган.

Контрастив лингвистиканинг чоғиштира тилшунослик таркибидан алоҳида йўналиш сифатида ажралиб чиқишида соҳага оид тадқиқотларга бағишланган махсус конференцияларнинг ўтказилиши муҳим ўрин тутди*. Контрастив лингвистика муаммолари 1972 йилдан бошлаб халқаро лингвистик конгресслар дастурига киритилган. Бугунги кунда «контрастив тадқиқотлар лингвистик фанлар таркибида ўрганилади, уни тадқиқотлар учун ўз мустақил объектига эга бўлган назарий йўналиш сифатида мавжудлигини рад этиш асоссиздир⁹». Контрастив лингвистика билан ҳамоханг қўлланивчи «конфронтатив лингвистика» термини фанга Л.Заброки томонидан «контрастив лингвистика» атамаси билан бир вақтда киритилган ҳамда Шарқий Европа мамлакатларида кенг қўлланилган¹⁰. Гарчи баъзи тилшунослар бу икки терминнинг маъно доирасини ўзаро фарқлашга ҳаракат қилишган бўлса ҳам, айрим олимлар «улар ҳозиргача синоним сифатида қўлланиб келинмоқда»,¹¹ деган фикрни билдирадilar. Биз контрастив ҳамда конфронтатив лингвистика терминларини фарқли соҳаларни ифодаловчи атамалар сифатида қўлланишини таъкидлаймиз. Конфронтатив лингвистиканинг ўрганиш объекти чоғиштира тилшунослик билан бир хил бўлиб, улар тадқиқ қилинаётган тилларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини ўрганади. Контрастив лингвистика эса тилларнинг зидланиш парадигмаларини тадқиқ қилади.

Диссертациянинг «**Контрастив лингвистика: тушунча ва тамойиллар**» деб номланган иккинчи бобида контрастив лингвистиканинг назарий асослари, методологияси, метод ва тамойиллари, конгруэнтлик ва эквивалентлик, лакуна ва лакунар бирлик масалалари, иккинчи тилга ўқитиш жараёнида трансференция ва интерференция ҳодисаларининг ўрни билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Контрастив лингвистикада зидликка асосланган категориал структуралар таҳлили асос қилиб олинади. Бунда тил шаклидан мазмунга қараб йўналтирилган ҳаракат ономасиологик моҳиятни ташкил қилади.



⁸Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. – М., 1981. С 3.

*Биринчи конференция 1968 йили АҚШнинг Жоржтаун университетида ўтказилган


⁹Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. – М., 1981. С 40.

¹⁰Григорьева Л.Н. Основные положения контрастивной лингвистики и ее внутренняя таксономия // Немецкая филология в Санкт-Петербургском университете: традиции и современность. – СПб, 2001. С. 48.

¹¹Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. – М., 1981. С 40.

Жадвалда кўрсатилган L_1 (first language) – қиёсланаётган биринчи тил, L_2 (second language) – қиёсланаётган иккинчи тил, CN – контрастив номема, S – семема каби белгилар соҳалар мундарижасини кўрсатиш учун хизмат қилади.

Конгруэнтлик (лотин. *congruens* – мувофиқ) тушунчаси остида тил бирликлари шакллариининг мувофиқлиги тушунилади¹². Бу ходиса тилнинг фонетик-фонологик, лексик, грамматик сатҳларида кузатилади. Фонетик-фонологик белгиларига кўра ўзаро конгруэнт бўлган сўзлар ҳар икки тилда маъносини сақлайди, шу билан бирга янги маъно касб этади:



Чизмада келтирилган лингвистик формулалар CN – конгруэнт номема, L_1 (first language) – қиёсланаётган биринчи тил, L_2 (second language) – қиёсланаётган иккинчи тил, A – биринчи тилга тааллуқли номема, B – иккинчи тилга тааллуқли номема, \equiv – элементлар айнан мос, \sim – элементлар семантик жиҳатдан бир-бирига яқин, \neq – элементлар тамоман янги маъно касб этган, \leftrightarrow – элементлар зид маънода деган маънони англатади.

$A \equiv B$. A тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси B тилда айнан мос ҳолда қўлланилади. *Итоат* сўзи ўзбек ва араб тилларидаги «бўйсунуши» маъносини ифодалайди.

$A \sim B$. A тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси B тилда семантик жиҳатдан бир оз ўзгариш билан қўлланилади. *Зимистон* сўзи ўзбек ва тожик тилларида «қоронғу» ва «қиш» маъноларини англатади.

$A \neq B$. A тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз маъноси B тилда тамоман бошқа маъно ифодалайди. Жумладан, *касофат* сўзи ўзбек тилида «бахтсизлик» – араб тилида «қуюқлик», «зичлик», «гализлик» каби маъноларни ифодалайди.

$A \leftrightarrow B$. A тилда мавжуд бўлган конгруэнт сўз B тилда антонимик муносабатни ҳосил қилади. Ўзбек тилида *бидъат* «эскидан қолган урф-одат, расм-русм», арабларда эса «янгилик, янгилик киритиши» маъноларини ифодалайди.

Турли тилларда бир хил тушунча структурасига эга бўлган сўзлар ўзаро конгруэнт бўлади. Ўзбек тилидаги *болалар боғчаси* тожик тилидаги *боғчаи бачагон*, рус тилидаги *детский сад* бирикмаларида ягона тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилади. Лекин ўзбек тилидаги *ҳисоб-китоб* сўзи тожик тилидаги *ба ҳисоб гирифтан* ёки рус тилидаги *учет* сўзи билан конгруэнт бўлмайди. Бунда ўзбек тилидаги лексемада жуфт сўз ҳисобланса, тожик тилида сўз бирикмаси, рус тилида эса содда сўз шакллари орқали ифодаланган. Мазкур таҳлил асосида турли тилларнинг структур бирликлари доим ҳам ўзаро мувофиқ бўлмаслигини тушуниш мумкин.


Морфологик сатҳдаги конгруэнтлик ходисаси турли тиллардаги сўзларнинг сон категориясида кўзга ташланади. Ўзбек тилидаги *темир* ва рус

¹² Кашкин В.Б. Сопоставительная лингвистика (учебная пособия для вузов) – Воронеж, 2007.

тилидаги *железо*, тожик тилидаги *оҳан* сўзлари фақат бирликда қўлланади. Уларнинг бундай қўлланишини морфологик шакллар ўртасидаги конгруэнтлик ҳодисаси сифатида кўрсатиш мумкин.

Тил назариясида синтактик конгруэнция ҳодисасини ҳам кузатиш мумкин. *Қиз ишсиз, девочка безработная* гаплари ўзаро конгруэнт парадигма ҳисобланса, тожик тилидаги *духтар бекор аст* гапи аввалги синтактик конгруэнция парадигмасини давом эттиришга рухсат бермайди. Ўзбек тилидаги *У ухлай олмаяпти*, рус тилидаги *Ему неспится* гаплари шаклий структура нотенглиги туфайли синтактик конгруэнтликни ҳосил қилмайди.

Контрастив лингвистикада эквивалентлик тушунчаси мазмундан шакл-семасиологик парадигма билан изоҳланади.



Жадвалда L_1 (first language) – қиёсланаётган биринчи тил, L_2 (second language) – қиёсланаётган иккинчи тил, S (signification) – қиёс учун асос бўлган мазмун, F (form) – қиёсланаётган бирликнинг шакли изоҳ учун асос қилиб олинган.

Эквивалентлик тушунчаси ҳам тилнинг барча сатҳларида учрайди. Эквивалентлик (лот. *aequivalens* – тенг маъноли) атамаси остида тил бирликлари маъноларининг мувофиқлик даражалари тушунилади. Контрастив лингвистикада эквивалентликнинг тўлиқ, қисман ва ноль эквивалентлик даражалари ўзаро фарқланади.

Тўлиқ эквивалентлик тушунчаси остида чоғиштирилаётган тиллардаги бирликларнинг марказий ва периферик семантик компонентларининг ўзаро мувофиқлиги тушунилади. Рус тилидаги *серп* сўзи ўзбек тилидаги *ўроқ* сўзига эквивалентдир, бунда семантик компонентлар эквивалентлиги кузатилади. *Серп* - ручное орудие для срезывания хлеба с корня, представляющее собой длинный изогнутый нож с зазубренным лезвием. *Ўроқ*– турли бошоқли экинларни қўлда ўриш учун ишлатиладиган, бели букик, ўткир тигли меҳнат қуроли тарзидаги луғавий структура моҳиятан бир хилдир.

Қисман эквивалентлик тушунчаси турли тилларда дивергенция ва конвергенция ҳодисалари кўринишида намоён бўлади. Дивергенция ҳодисасида А тилдаги бир сўзга Б тилдаги бирдан ортиқ сўз тўғри келади. Масалан, ўзбек тилидаги *бармоқ*, тожик тилидаги *ангушт*, рус тилидаги *палец* сўзларига немис тилида иккита бирлик *Finger* (қўл бармоғи) ва *Zehe* (оёқ бармоғи), инглиз тилидаги *know* сўзига испан тилида иккита лексема *conocer* ва *saber* сўзлари тўғри келади.

Конвергенция дивергенцияга зид ҳодиса саналиб, бунда А тилдаги икки ва ундан ортиқ сўзга Б тилдаги бир сўз тўғри келади. Масалан, ўзбек тилидаги *аёл* ва *хотин* ҳамда инглиз тилидаги *woman*, *wife*, *missis* сўзларига

немис тилидаги *Frau* сўзи тўғри келади. Рус тилидаги *коричневый, карий, каштановый, бурый* лексемаларининг маъноси инглиз тилида *brown* сўзи билан ифодаланади.

Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида дивергенция ва конвергенция ҳодисаларига мувофиқ келувчи бир қанча мисоллар келтирган. Хусусан, форс тилидаги биргина *хор* (тикан) лексемасига туркий тилда икки лексема *тикан* ва *чўкур* (катта тикан) тўғри келиши, шунингдек, форс тилидаги *арақ* ва *ҳай* (катта-катта тер дончалари) лексемаларига туркий тилда биргина *тер* лексемаси тўғри келишини изоҳлайди¹³.

Рус тилида *крупкой, порошей, хлопьями* сўзлари ҳам *қор* маъносини ифодалашда қўлланилади. Шунингдек, рус тилида қишни эркалаб *зимушка-зима*, илиқ қишни – *сиротская зима* деб номлаш ҳолатлари бор, лекин кўп тилларда бундай оттенкали фарқлаш йўқ.

Ноль эквивалентлик илмий адабиётларда лакунарлик (лотинча *lacuna* – бўшлиқ, тушириб қолдириш) атамаси билан номланади. Назарий адабиётлар тадқиқи шундан далолат берадики, тадқиқотчилар лакунар бирлик ва лакуна тушунчаларини деярли фарқламайдилар. Фақат Л.К.Байрамова ишларида бу икки тушунчанинг дифференциал белгилари кўзга ташланади. У лакунар бирлик иккинчи тилда очиқ қолган, ҳали тўлдирилмаган ўрин маъносида, лакунани эса лакунар бирликнинг ноль кўрсаткичли корреляти сифатида белгилайди¹⁴. Масалан: Рус тилида *пороша* «биринчи ёққан қор» маъносини ифодалаш учун хизмат қилади, ўзбек тилида бу ҳодисани ифодаловчи ном мавжуд эмас, ўзбек тилида *маҳалла, ҳашар* сўзлари лакунар бирлик, рус тили учун эса лакуна ҳисобланади.

И.А.Стернин бир тилдаги лакунага бошқа бир тилда эквивалентсиз бирлик мувофиқ бўлишини ёзади¹⁵. Лакунар бирлик ва эквивалентсиз бирлик ўзаро синонимик ҳосил қилмаслигининг сабабларидан бири лакунар бирликнинг тил бирлиги сифатида сатҳий хусусиятга эгалигидадир.

Лакунар бирликка мисол сифатида рус, инглиз, тожик тиллари фонетик-фонологик системасида мавжуд бўлмаган ўзбек тилидаги *ў* унли фонемасини (масалан, *ўрик, ўт, ўлим*) келтиришимиз мумкин; ўзбек тилидаги *қулф, ғайрат, ҳис* лексемаларининг биринчи фонемаси рус тили фонетик-фонологик системасида лакуналарни ҳосил қилади. Инглиз тилидаги *this, thank* лексемаларидаги биринчи фонемалар эса ўзбек, рус ҳамда тожик тили фонетик-фонологик системаси учун лакунадир.

Ўзбек ва рус тилларидаги сўз яшаш билан боғлиқ бўлган лакунарликни кузатиш мумкин. Масалан, рус тилидаги *до-, за-, пере-, не-* префикслари *зазеленеть, заиграть* сингари феълларни яшашга хизмат қилади. Ўзбек тилида бу префикслар лакуналарни ҳосил қилади. *Зазеленеть, заиграть* лексемаларини эса *кўкара бошламоқ* (начать зеленеть), *чала бошламоқ*

¹³ Навоий А. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн олтинчи том. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 12-13.

¹⁴ Байрамова Л. К. Введение в контрастивную лингвистику. – Казань: КГУ, 2004. – С. 43; Байрамова Л. К. Лакунарные единицы и лакуны / Лакуны в языке и речи: сб. науч. тр. Вып. 3. – Благовещенск: БГПУ, 2006. – С.3.

¹⁵ Стернин И.А. Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. – М.: Восток-Запад, 2006. – С.31.

(начинать играть) *доедать* (охирига қадар емоқ), *добежать* (охиригача югурмоқ), *перемыть* (қайта ювмоқ), *недобирать* (кам йиғмоқ) сингари мураккаб феъллар билан ифодалаш мумкин.

Лақунар бирликлар бир тил системасининг иккинчи тил системасига нисбатан контрастлиги, ўзига хослиги, уникаллигини кўрсатиб берувчи контрастив хусусиятдир. Лексик ва фразеологик сатҳда бу ҳодиса бошқа сатҳларга нисбатан ёрқинроқ ва жонлироқ кўзга ташланади. Масалан, рус тилидаги *кипяток «қайноқ сув, доғ сув»*, *однолюб «умр бўйи бир инсонни (асосан рафиқасини) севган киши»* сингари лексемалар ўзбек тилида лақуналарни ҳосил қилади. «Ҳеч қачон» мотивацияли фразеологизмларга ўзбек тилида *туянинг думи ерга текканда ёки қизил қор ёққанда* рус тилида *после дождика в четверг* «пайшанбадаги ёмғирдан сўнг»инглиз тилидаги *when the pigs fly* «чўчкалар уча бошлаган пайтда», *when the moon turns green cheese «ой яшил пишлоқ бўлганда»* сингари мисолларни келтириш мумкин.

Чет тилларни ўрганишда она тили кўникмалари таъсирининг биринчи шакли трансференция, иккинчиси интерференция деб юритилади.

Трансференция ҳодисаси ўрганилаётган тилга она тили элементлари ва кўникмаларининг ижобий таъсири бўлиб, интерференция айна омилнинг ўрганилаётган тил нормаларининг бузилишига, хатоларга олиб келадиган салбий таъсири билан баҳоланади.

Интерференция мураккаб ҳодиса бўлганлиги сабабли қатор турдош фанлар томонидан ўрганилади, шунинг учун интерференция кўринишларини таснифлаш асосига унинг турли белгилари олинади¹⁶. Мазкур санаб ўтилган белгиларга мувофиқ интерференциянинг тиллараро, бир тил доирасида, нутқий, лисоний, фонетик, лексик-семантик, морфологик, синтактик, коммуникатив-релевант ва коммуникатив-норелевант, шунингдек, регрессив, прогрессив турларини ажратиш мумкин.

Диссертациянинг «**Тил сатҳи бирликларининг контрастив тадқиқи**» деб номланган учинчи бобида контрастив таҳлил сатҳ бирликлари кесимида тадқиқ этилган.

